



Ислом Нури

Савол:

Қимиз ва от гўшти шариатда ҳалолми ёки ҳаромми ва асосли китобни айтиб ва асосли китобни келтириб берсангиз илтимос?!

Жавоб:

Бисмиллаҳ вассолату вассаламу ала расулиллаҳ

От гўштини ҳанафий олимлари макруҳ деганлар, баъзилари макруҳ танзиҳий ва баъзилари эса макруҳ таҳримий деганлар. Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Хайбар кунида ҳонаки эшакнинг гўшtidан қайтардилар ва отларнинг гўштига рухсат бердилар. (Муттафақун алайҳи). От гўшти ҳаром, пайғамбаримиз зарурат учунгина рухсат берганлар, холос дейдиган кишиларнинг сўзлари заиф. Чунки, зарурат пайтида ҳар қандай ҳаром нарсадан еса бўлади, улар ўртасини фарқлашга ҳеч хожат йўқ. Агар фарқлаш керак бўлсайди отлар жиҳодда кўпроқ керак бўлгани учун отларни қўйиб эшакларни ейишга рухсат бериш афзалроқ бўларди. Хуллас, имом Бухорий ва Муслимнинг саҳиҳларида ва бошқа сунанларда ҳам от гўштининг ҳалоллигига далолат қиладиган ҳадислар етарлича бор.

Аммо унинг сутига келсак, у ҳам ҳалолдир. Қимиз от сутини маълум муддат сақлаб, ачитиб қилинадиган ичимлик унга бирор нарса қўшилмайди. Уни ичиш дуруст. Агар унга (тез ачиши учун кийик ўти каби) бошқа нарса қўшилса ва маст қилса ёки бўшаштирса ичиш мумкин эмас. Чунки Абу Довуд Умму Саламадан ривоят қилган ҳадисда “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар бир маст қилувчи ва бўшаштирувчи нарсадан қайтардилар” бошқа ривоятда



Ислом Нури

Қимиз ва от гўшти шариатда ҳалолми ёки ҳаромми? | 2

булар ҳаром дейилган.